

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ

Иқтисодиёт ва бошқарув факултети

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви»
кафедраси

5340100-«Иқтисодиёт» йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: "Фермер хўжаликларида пахта хом ашёси
етиштириш самарадорлигини ошириш
имкониятлари" (Иштихон тумани фермер
хўжаликлари мисолида)

Бажарди: 561010(«Иқтисодиёт»
йўналиши 4-босқич талабаси

Норкулов Акрам

Илмий рахбар: доцент

Д.Рахмонов

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш	3
1-боб. Мавзуни назарий асослаш ва ўрганилган адабиётлар шарҳи.....	7
2-боб. Фермер хўжаликларининг ташкилий - иқтисодий тавсифи.	
2.1. Туман фермер хўжаликларининг қисқача ташкилий тавсифи.....	14
2.2. Туман фермер хўжаликларининг ресурс потенциали ва улардан фойдаланиш.	
А). Туман фермер хўжаликларининг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	18
Б). Фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	24
3-боб. Самарадорликнинг назарий асослари ва пахтачиликда унинг ҳозирги ҳолати.	
3.1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	29
3.2. Туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш рентабелигининг ҳозирги ҳолати.....	34
4-боб. Пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятлари.	
4.1. Пахта таннархи ва фермер хўжаликларида уни пасайтириш имкониятлари	38
4.2. Фермер хўжаликларида пахта хом ашёсининг харид баҳоси ва уни ошириш имкониятлари.....	44
4.3. Ёўза ҳосилдорлиги ва фермер хўжаликларида уни ошириш йўллари.....	51
5-боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш	53
Хулоса ва таклифлар.....	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	62

Кириш

Бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатлари давом этаётган бир даврда мамлакатимизда Ислом Каримов раҳнамолигида унинг оқибатларини юмшатиш, унга қарши чоралар кўришнинг ноёб дастури ишлаб чиқилди. Бу борада амалга оширилган ишларнинг самараси ўлароқ, 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,2 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 7 фоизни, чакана савдо айланмаси ҳажми ўсиши эса 13,9 фоизни ташкил этди.

Маълумки, пахтачилик-кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлакатада ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20, Осиё ва Океанияда 28, Африкада 31, Европада 3 (бундан 20 йил олдин 9 та эди) мамлакат ҳамда Австралия пахта етиштириш билан шуғулланади.

Агар жаҳон бўйича бундан 20 йил олдин 17 миллион тонна пахта толаси етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич қарийб 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида АҚШда пахта толасини етиштириш 35 фоизга ошган. Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди.

Ҳозирги кунда Австралия пахта толаси етиштириш бўйича пешқадамлик қилмоқда. Ушбу давлатда тола етиштириш салкам 5 баробар ошди ёки 210 минг тоннадан 980 минг тоннага кўпайди.

Бугун пахта толасини сотиш бўйича АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда ишлаб чиқилган пахта толасининг 80 фоизини сотувга қўймоқда. Бу жаҳон бозорида сотиладиган толанинг 41,3 фоизи демакдир. Ҳиндистон ишлаб чиқилган пахта толасининг 12,6 фоизини сотувга қўйиб, жаҳон бозорида тола сотиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон дунё бозорида сотиладиган толанинг 9,2 фоизини сотувга

кўйиб 3 ўринни эгалламоқда. Бу борада Австралия (7,87%) тўртинчи, Бразилия (6,17%) бешинчи, Туркменистон (2,88) олтинчи ва Греция (1,96%) еттинчи ўринни эгалламоқда.

Мамлакатимизда деҳқончиликнинг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади. Пахтачиликнинг пировард асосий маҳсулоти пахта толаси ва пахта мойидир. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг 70 % дан кўпроқ тармоғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда пахтачилик агросаноат мажмуи шаклланимоқда.

Археологик тадқиқотларнинг далиллариغا кўра, ғўза милоддан аввалги VII-VI асрларда Самарқанд, Тошкент, Хоразм воҳаларида, I асрда Фарғона водийсида етиштирилган.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш мақсадларида биринчи навбатда «Халқ ҳашари» деб аталган йўл билан сув иншоотлари қурилиши кенг қулоч ёйди. Пахтакор хўжаликларда трактор ва машина-механизмлар парки кенгайди, ғўза ўстириш агротехникаси яратилди, минерал ўғитларни қўллаш кўпайди, алмашлаб экиш, механизациялаш, чигитни қаторлаб экиш жорий қилина бошланди, мамлакатимизда иш бошлаган селекция муассасаларида яратилган янги ғўза навлари экила бошланди. Республикада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги пахтачиликка мослаштирилган трактор, сеялка, култиватор, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, пахтачилик тармоғига машина - тракторлар етказиб бериш бўйича бир неча махсус конструкторлик бюrolари фаолият олиб борди. Мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон ҳукумати пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга эканлигини назарда тутиб, қатъий тадбирлар кўрди. Биринчи навбатда экин майдонлари таркиби ўзгартирилди, ғўза майдонлари йилдан-йилга қисқартирилди, ғалла, сабзавот ва бошқа экинлар майдонлари, шахсий томорқа ерлари кенгайтирилди. Ҳосилдорликни ошириш эвазига

етиштирилаётган ялпи пахта ҳосилини кўпайтириш, тола чиқимини ошириш йўналишидаги тадбирларнинг амалга оширилиши учун пахтачилик соҳасидаги асосий вазифа – мамлакатда самарали алмашлаб экишни жорий этиш ва ўртача ҳосилдорликни 30-35 ц/га га етказишдан иборат деб белгиланди.

Битирув малакавий ишимизнинг **мақсади** конкрет олинган объект мисолида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва келажакда уни ошириш имкониятлари буйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифаларни** ечиш лозим бўлади:

1. Мавзуни назарий асослаш ва ўрганилган адабиётларга шарҳ бериш;
2. пахтачиликда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил этиш;
3. самарадорликнинг назарий асосларини ўрганиш;
4. пахта хом ашёси ишлаб чиқариш рентабеллигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
5. пахтачиликда маҳсулот таннархи ва уни таркибини ўрганиб, харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланиш йўллари кўрсатиш;
6. пахта хом ашёси харид баҳолари ўзгаришини таҳлил қилиш;
7. ғўза ҳосилдорлигини таҳлил қилиш ва уни ошириш имкониятларини кўрсатиш;
8. туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишимизнинг ўрганиш объекти сифатида Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги фермер хўжаликлари танланди.

Битирув малакавий ишимизни ёзишда қишлоқ хўжалигига доир қабул

қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар, Президент фармонлари, қарорлари, асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фермер хўжаликларига доир қарорлари, аграр иқтисодчи олимларнинг асарлари, мақолалари, Иштихон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010 - 2012 йиллардаги ишлаб чиқариш - иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилди.

1-боб. Мавзуни назарий асослаш ва ўрганилган адабиётлар шарҳи.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топиш ва амалиётда улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан битирув малакавий ишининг мавзуси ўта долзарбдир.

Иқтисодий самарадорлик ва уни ошириш имкониятлари мавзуси доимо тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Қуйида биз битирув малакавий ишини ёзиш давомида фойдаланилган баъзи адабиётларга қисқача шарҳ бериб ўтамиз.

2009 йилда И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари " номли китобида " тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди", - деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятимизда қуйидаги йўналишлар демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берди:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
2. Суд - ҳуқук тизимини ислоҳ қилиш;
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;
4. Мамлакатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминла ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
5. Фуқаролик жамияти институтларин шакллантириш ва ривожлантириш;
6. Демократик бозор ислорхатларини ва иқтисодиётни

либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

И.А. Каримовнинг "Қишлоқ хўжалик тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи " номли рисоласида қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи таҳлил қилиниб, келгусида уни ривожлантириш йўл - йўриқлари, хўжалик юритиш шакллари белгилаб берилди. Рисолада " Энг муҳим масала - мулк масаласи ҳал қилинмасдан туриб, меҳнатни ташкил этишнинг ҳар қандай мукамал тизими ҳам самара бермайди, муваффақият қозонмайди, буни барчамиз яхши англаб олишимиз даркор ", - деб кўрсатиб ўтилган.

Каримов. И.А. Бош мақсадимиз – кэнг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 19.01.2013. Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми – 7 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга ўсди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил этиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб – териб олинди.

2004 йил 26 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжаликлари тўғрисида" ги (янги таҳрирдаги) конуни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонун 7 та боб ва 36 моддадан иборат бўлиб, фермер хўжаликларини ташкил этиш, фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди,

бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади. Шунингдек, унда фермер хўжалигининг аъзолари, бошлиғи, фермер хўжаликларига фаолият юритиши учун ер бериш тартиби, рўйхатга олиш, фермер хўжалигининг устави, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш кабилар алоҳида - алоҳида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02. 1999 й. 54 - сонли қарорига илова " Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом " да маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижалари шаклланиши белгилаб берилган.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2009 - 2010 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг учинчи бўлимида қатъий тежамкорликка эришиш мақсадида харажатларни тежаш, иқтисодиётни реал секторида таннархни 20 фоизга пасайтириш ҳақида гап беради.

А. Абдуғаниев ва А.А. Абдуғаниевларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” (2010) номли дарсликлари 16 бобдан иборат бўлиб унинг 14-боби “Корхоналарнинг даромадлари, фойдалари, уларнинг тақсимланиши. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ” деб номланган. Ушбу бобда қишлоқ хўжалиги тармоқларида даромад ва фойданинг шаклланиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги назарий жиҳатдан ёритилиб, уларни ошириш имкониятлари конкрет мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиқлол, 2004.

Профессор Ф. Жўраевнинг ушбу дарслиги 4 бўлим, 23 бобдан иборат бўлиб, унинг 2-бўлими “Дехқончилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари”га бағишланган. 11-боб эса “Пахта ишлаб чиқаришни ташкил этиш” деб номланади. Ушбу бобда пахта ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш учун агротехник тадбирларни режалаштириш ва ўз вақтида, сифатли ўтказиш, ишловчилар манфаатдорлигини ошириш муҳим эканлигига эътибор қаратилган.

Дарсликнинг 22-боби “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ва ишлаб чиқариш рентабеллиги” деб номланган бўлиб, унда таннарх, рентабеллик тушунчалари назарий жиҳатдан ёритилган ҳамда харажатлардан тежаб фойдаланиш, сотиш(харид) баҳоларини ошириш йўл – юриқлари курсатиб берилган.

Исмоилов А.Қ, Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2005.

Китоб 33 бобдан иборат бўлиб, унинг 14-боби қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг умумий масалаларига бағишланган. Ушбу бобда иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг кўрсаткичлари ва мезони, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари масалларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. 24-бобда пахтачилик самарадорлигини ошириш имкониятлари: таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва харид баҳосини ошириш каби масалалар ўрганилган.

Профессор Р.Х. Эргашевнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” дарслиги 17 бобдан иборат бўлиб, унинг 15-бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари, фойдалари, уларнинг тақсимланиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги масалалари ёритилган. Унда даромад ва фойдани кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган деҳқончилик ва чорвачиликда алоҳида-алоҳида кўрсатиб берилган.

ТошДАУ профессори Саматов А., доцентлар Ёдгоров Ж. ва И. Рустамоваларнинг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш" (2005.) фанидан тайёрлаган дарсликлари 17 бобдан иборат бўлиб, унда бошқа соҳалар билан бир қаторда пахтачиликда ҳам агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни тежаш ва хом ашё сифатини яхшилаш кабилар эвазига тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари

кўрсатиб берилган.

Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография. –Т.: 2005.

Монографияда пахтачилик агросаноат мажмуаси корхоналарида асосий маҳсулотларнинг рентабеллик даражасини ошириш, маҳсулотлар бирлиги таннаرخини пасайтириш, сотиш баҳоларини оширишнинг реал имкониятларидан фойдаланиш ҳар томонлама илмий асосланган, шунингдек, пахтакор хўжаликларнинг давлат ва қайта ишлаш саноати корхоналари билан ўзаро алоқаларининг иқтисодий механизми ўрганилган.

Умурзоқов У.Т., Тошбоев А.Ш., Тошбоев А.А.ларнинг "Фермер хўжалиги иқтисодиёти" (–Т.: Иқтисод-Молия, 2008.) номли ўқув қўлланмаларида фермер хўжалигининг ташкилий - ҳуқуқий асослари, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш, инфратузилма хизматлари ва уни такомиллаштириш, маҳсулотлар бозори ва маркетинг хизматини ташкил этиш ҳамда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш самарадорлиги каби масалаларини ўрганишга алоҳида ўрин ажратилган.

Доцент Қудратов Т.Х. Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг статистик таҳлили номли ўқув қўлланмаларида ишлаб чиқариш самарадорлигига қайси омиллар таъсир этишини таҳлил усули билан кўрсатиб берганлар.

Абдуллаев А., Шерматов О., Маҳмудов Н. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш йўналишлари// Agro ilm-O`zbekiston qishloq xo`jaligi, 2012 йил, 1(21)-сон, 74-75-бетлар.

Мақола муаллифлари фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун уларни мақбуллаштиришда иқтисодий ҳолатга эътибор қаратилиши, пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларини ташкил этилиши шу борадаги янги техника ва технологияларни жорий этилишига замин яратиш, фермер хўжаликлари иқтисодий ва технологик мустақиллигини таъминлаш кабиларга эътибор қаратиш лозим дэб ҳисоблайдилар.

ТошДАУ доценти Б. Менглиқуловнинг “Фермер хўжаликларида моддий ресурслардан фойдаланиш” (O`zbekiston qishloq xo`jaligi, 2012 ншд 8-сон, 36-

бет) номли мақоласида ҳар қандай ишлаб чиқариш учун моддий ресурслардан фойдаланилиши кўрсатилиб, фермер хўжаликларида Уруғлик, ЁММ, иш ва хизматлар каби харажатлар сарфини таҳлил қилиш лозимлиги кўрсатилган. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар таннархини ошириш самарадорликни пасайишига олиб келишини инобатга олиб харажатлар мониторингини олиб бориш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Т.: “Чўлпон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.

Дарсликда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти” фанининг илмий-услубий асослари, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини башорат қилиш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий–техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик, чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кэнгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва интеграция жарёнларининг иқтисодий моҳияти, қишлоқ хўжалигида менежмент ва бошқа муҳим масалалар ёритилган.

Эгамбердиева У. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг ўрни. (O`zbekiston qishloq xo`jaligi 2012 йил. 3-сон, 38-бет).

Мақолада дунё бўйича 7-8 йилда ўртача 25-27 млн. тонна пахта ишлаб чиқарилаётгани, жаҳон пахта бозорида Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни борлиги

4фоиз пахта толаси мамлакатимизда етиштирилаётгани кўрсатилган. Пахта етиштириш бўйича Хитой биринчи ўринда (29-25%), кейинги ўринларда Ҳиндистон (18-22%), АҚШ, Бразилия(8%), Покистон(8%), Ўзбекистон ва Австралия (4%) мамлакатлари туради. Пахта толаси ишлаб чиқаришнинг камайиши унинг нархининг ошишига олиб келмоқда. 2011 йилда энг юқори нарх белгиланиб, 1 тонна пахта толаси 3254 АҚШ доллари (1 фунти-453 грамли -147 АҚШ центи)га баҳоланди.

Пахта толасини қайта ишлаш бўйича ҳам хитой 1-ўринда, 6,4 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарсада, 10,2 млн. тонна толани қайта ишлайди. Ҳиндистон (II ўрин) 4,7 млн. Тонна ёки ўзи етиштирган толасининг 86 фоизини қайта ишлайди, кейинги ўринларда Покистон(2,3 млн. т.), Туркия(1,3 млн. т.), Бразилия (0,9 млн. т.), Бангладеш (0,84 млн. т.) ва АҚШ (0,8 млн. т.) туради. Жаҳон пахта толаси экспортида АҚШ (41%), Ҳиндистон (13%) ва Ўзбекистон(9%) биринчи учликка киради.

Доцент Д. Рахмонов ўз мақолаларида фермер хўжаликларининг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиб, уларни барқарор ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни кўрсатиб, келгусида шу муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтган.

Тешаев Ш. Ҳамал кирди – амал кирди. (O`zbekiston qishloq xo`jaligi, 2011 йил 3-сон, 3-4- бетлар)

Мақолада сув танқис бўлиши кутиладиган йилларда ерларни текислаш, экиш агрегатларини тайёр ҳолатга келтириш, чигитни экишга тайёрлаш, чигит экиш каби тадбирларни сифатли ўтказиш борасида фермерларга тавсиялар берилган.

Юқоридаги ва бошқа шу каби адабиётларни ўрганиб, “самара”, “самарадорлик” тушунчалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, аниқлаш усуллари, самарадорликни оширишга таъсир этувчи омилларни билиб олдик. Шу билимларга асосланиб, битирув малакавий ишимизда Самарқанд вилояти Иштихон туманида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятларини кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

2-боб. Фермер хўжаликларининг ташкилий - иқтисодий тавсифи.

2.1. Туман фермер хўжаликларининг қисқача ташкилий тавсифи.

Иштихон туманида биринчи фермер хўжаликлари деҳқон (фермер) хўжаликлари кўринишида жамоа хўжаликлари ичида 1992-1993 йиллардан бошлаб ташкил этила бошланди. Улар мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлмасдан, жамоа хўжаликлари билан ички шартнома тузиб, фаолият юритар эдилар.

Биринчи ташкил этилган фермер хўжаликлари асосан республика ҳукумати томонидан ажратилган давлат ер фонди базасида, захирадаги ерларда, меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмайдиган, янги суғориладиган, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кам унумли ерларида шакллантирилди.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги қонунда фермер хўжалигининг мақоми, ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва ташкилий - иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги томони аниқ белгилаб берилган эди.

Ушбу қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналари таркибида юридик шахс мақомини олмай, ички хўжалик шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида расман тан олинмайдиган бўлди. Фақатгина ўз мустақил балансига эга, давлат рўйхатидан ўтган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300 - сонли қарори билан барча мустақил ва мустақил бўлмаган деҳқон (фермер) хўжаликлари аттестациядан ўтказилиб, "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги қонун талабларига мос равишда қайта рўйхатдан ўтказилди.

Қонунда фермер хўжаликларининг асосий вазифаси - қишлоқ аҳолисини

фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф - харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат деб белгиланган.

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади.
2. Фермер хўжалигида мулк эгаллиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга.
3. Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнаткаш, юқори фойда олишни кўзлаб, ўз мол – мулкини таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.
4. Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади.
5. Фермер хўжалиги асосини жамиятнинг бошланғич бўғини – оила ташкил этади.
6. Фермер хўжалиги қисман бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади.
7. Фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир.
8. Ҳар қандай иқтисодий тизимда ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири турли мулк шаклларига асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир.

Фермер хўжаликлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан, ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан, мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган

корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида ривожланиши учун мустақил ҳуқуқий - меъёрий база яратилган. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг Бош қомуси, "Фуқаролик кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фермер хўжаликлари фаолиятининг мулкӣ дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга, ҳамда қўллаб - қувватлаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги қонун(2004 йил 26 август), Президентимизнинг 2003 йил 27 октябрдаги " 2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида" ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476 - сонли "2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори ва бошқалар қабул қилингач, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизда фермер хўжалири ташкил этилди. 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда фермер хўжаликларини йириклаштириш (оптималлаштириш) бошланди. Натижада Иштихон туманида 2012 йилга келиб жами фермер хўжаликлар сони 538 тани ташкил этмоқда. Улардан 285 таси пахта — ғаллачиликка, 180 таси боғдорчилик — узумчиликка, 8 таси сабзавотчилик — полизчиликка, 29 таси чорвачиликка ихтисослашган бўлса, 36 таси бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларидир. Уларга узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонлари 41296 гектарни ташкил этади.

Самарқанд вилоятининг йирик туманларидан бири Иштихон тумани 1943 йил 18 майда ташкил этилган. Туманнинг умумий ер майдони 718.2кв.км.ни ташкил этади. Чегарасининг умумий узунлиги 213.2 км.

Иштихон тумани ерлари шимолдан Навоий вилоятининг Хатирчи ва Нурота туманлари ерлари билан, ғарбдан Каттакўрғон, жанубдан Пастдарғом ва шарқдан Қўшработ тумани хўжаликлари ерлари билан чэгарadoш. Иккита сув омборлари яъни Окдарё сув омбори 100.7 млн.м.куб ва Тўсинсой сув омбори 42 млн.м.куб мавжуд. 2012 йилда туман бўйича 180 та аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, шундан 12 таси шаҳарча типидaги аҳоли пунктлари, 167 таси қишлоқ аҳоли пунктлари, биттаси шаҳардир.

Рельефи ясси текислик бўлиб, тупроқлари асосан бўз тупроқ. Туман ҳудудининг шимолий чэгараси бўйлаб Зарафшон дарёсининг тармоғи - Қорадарё ва бошқа сойлар ўтади. Январнинг ўртача температураси-1.9⁰, энг паст ҳарорат -26⁰. Июлнинг ўртача ҳарорати - 27.2⁰, максимал ҳарорат +44⁰. Йиллик ёғин миқдори 328 мм. ни ташкил этиб, асосан қишда ва баҳорда ёғади Туман ҳудуди орқали Тошкент –Бухоро ва бошқа йўналишлар бўйича асосий автомагистрал ўтган.

Туман маркази Иштихон шаҳри ҳисобланади. Туман маркази Самарқанд шаҳридан 60 км масофада жойлашган.

Фермер хўжаликлари ерлари Окдарё, Тўсинсой сув омбори ва Окдарё сув омборларидан сув ичади.

2.2. Туман фермер хўжаликларининг ресурс потенциали ва улардан фойдаланиш.

А). Туман фермер хўжаликларининг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Ер ресурслари - буюк ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган миллий бойлик ҳисобланади. Ер ресурслари, бошқа ишлаб чиқариш воситалардан тубдан фарқ қилгани ҳолда, асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир кўрсатади.

1.Ер табиат маҳсули. Инсон меҳнати тупроқ хусусиятини ўзгартиради, бу унинг меҳнат предмети эканлиги. ўсимликларнинг ривожланиши ва ўсишга таъсир кўрсатиши унинг меҳнат воситаси эканлиги. Иккаласи биргаликда унинг ишлаб чиқариш воситаси эканлигини билдиради.

2.Ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги. Ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби инсоннинг хоҳиши билан кўпайиб қолавермайди.

3.Ерни алмаштириш мумкин эмаслиги. Ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби алмаштириб бўлмайди, ундан бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига қараб такомиллашганлари билан алмаштирилади.

4.Ерни силжитиб бўлмаслиги. Ер қаерда жойлашган бўлса, ўша ерда ундан фойдаланиш мумкин, уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эмас.

5.Ер участкаларининг сифати бўйича турли туманлиги. Ер участкаларига бир хил миқдорда маблағ ва меҳнат сарфланса ҳам олинадиган маҳсулотлар миқдори турлича бўлиши мумкин.

6.Бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилганда эскиради, ўзининг фойдалилик хусусиятини камайтиради ва бутунлай ишдан чиқади.

Дехқончиликда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги

кўрсаткичининг юқори булиши тупроқ унумдорлигига бевосита боғлиқ.

Иқтисодчилар тупроқ унумдорлигини уч турга ажратганлар:

1. Табиий;
2. Сунъий;
3. Иқтисодий.

Тупроқнинг унумдорлиги - қуёш, шамол, сув каби табиий кучларнинг таъсирида узоқ давом этган тупроқ ҳосил бўлиши жараёнининг натижасидир. Тупроқнинг табиий унумдорлиги, унинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини характерлайди, у деҳқончилик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, иқтисодий унумдорликнинг асоси ҳисобланади. У инсоннинг меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қилади. Лекин табиий унумдорлик ернинг потенциал сифатинигина характерлайди. Тупроқ озуқа моддаларига бой бўлганлиги билан, унга ишлов берилмаса, яъни инсон меҳнати таъсир этмаса, у кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яратилган унумдорлик сунъий унумдорлик деб аталади, у ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва шунинг учун жамият ривожланишининг турли босқичларида бир хил эмас.

Табиий ва сунъий унумдорлик бирликда иқтисодий унумдорликни ташкил қилади. Тупроқ унумдорлиги - доимий миқдор эмас, у ошиб бориши ҳам мумкин, пасайиши ҳам мумкин. Тупроқ унумдорлиги абсолют ва нисбий шаклларда ҳам ўрганилади. Абсолют унумдорлик қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини характерлайди. Нисбий унумдорлик эса ишлаб чиқариш харажатлари бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот миқдорида акс эттирилади. Жаҳон фани ва амалиёти тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши ҳақидаги ғайри илмий қонуннинг тўлиқ асоссиз эканлигини исбот қилди. Бу қонуннинг муаллифлари, инглиз иқтисодчиси Д.Андерсон ҳисобланади. Бу қонунга биноан ерга сарфланган қўшимча меҳнат ва капитал, қўшимча олинадиган маҳсулотнинг миқдорини камайтиради. Бунга қарама-қарши ўзбек иқтисодчиси профессор А.А.Абдуғаниев ўз илмий ишларида тупроқ унумдорлигининг ошиб бориш жараёнини қонун даражасига кўтариш ҳақида фикр юритган. Ердан

фойдаланиш характери кўпгина табиий, тарихий, техник, иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бунда ҳал қилувчи ролни социал-иқтисодий омил ўйнайди. Жамиятда ҳукмронлик қилувчи ишлаб чиқариш усули, шунингдек иқтисодий муносабатларнинг ҳолати ер муносабатларининг характерини аниқлайди. Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. Аҳоли пунктларининг ерлари;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. Ўрмон фонди ерлари;
7. Сув фонди ерлари;
8. Давлат заҳира ерлари.

Қишлоқ хўжалиги учун ер ҳаёт -мамотнинг моддий шарти бўлибгина қолмай балки ишлаб чиқаришнинг актив ашёвий омили ҳамдир. Ишлаб чиқариш жараёни тупроқ унумдорлиги билан, табиий биологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ. Ер такрор ишлаб чиқармайдиган ишлаб чиқариш воситалари қаторига киради. Шу муносабат билан умуман ер ресурслари ва айниқса қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли бўлган ерлар чеклангандир. Табиатан ернинг чекланганлиги ундан интенсив суратда фойдаланиш зарурлиги масаласини жуда кескин қилиб қўяди. Мамлакат ер бойликларидан оқилона фойдаланишнинг давлатимиз аграр сиёсатини асоси бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Ер ресурслари – бу қуруқлик юзасининг жами йиғиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий объектлар ҳам киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик

ва бошқа тирик организмлар, сув объектлари. Ер ресурсларининг сув объектлари ўз ичига қўллар, қўлмак ва ҳовузлар, ариқларни қамраб олади. Океан, денгизлар ва дарёлар эса сув ресурслари таркибига киради.

Ҳар бир давлатнинг ер-сув ресурслари табиат ва жамиятда яшаш манбаидир, шунингдек, ер ва сув бир-бирининг мавжудлигини тақозо қилади.

Ер ресурсларининг асосий қисми қишлоқларга тўғри келади. Статистика маълумотларга қараганда, АҚШ қишлоқ хўжалигига мамлакатдаги мавжуд ерларнинг 90 фоизини ажратади. Европа иттифоқи мамлакатларида мавжуд майдоннинг 80 фоизи, Россия Федерациясида эса 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалигига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг жами ер майдони 44,74 млн. гектар. Шундан 36,6 млн гектари яйлов ва пичанзорлар, ерларнинг 16 фоизи ёки 30-32 млн. гектари ҳайдаладиган ерларни ташкил этади, 3 фоизи эса фойдаланилмайдиган ерлар, чунки бу ерларда намлик жуда кам ҳисобланади

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига ер қайтими, ер сиғими, йўқотилган ҳосил; қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш коэффиценти, фонд билан таъминланганлик, товар қайтими каби кўрсаткичлар киритилади.

Асосий иқтисодий кўрсаткич ерни иқтисодий баҳолаш, қуйидаги формула ёрдамида топилади.

$$X_k = \frac{ЯМ}{МТ}$$

Бунда X_k - харажатларни қоплаш;

ЯМ - ялпи маҳсулот;

МТ - маҳсулот таннари.

Қишлоқ хўжалик экинларининг самарадорлиги ва соф фойда қуйидагича ҳисобланади:

$$СФ = ЯМ - МТ;$$

бунда СФ - соф фойда;

ЯМ - ялпи маҳсулот;

МТ - маҳсулот таннари.

Ернинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари асосан қиймат кўрсаткичларидир. Бунга ер сиғими, ер қайtimi, иқтисодий самара кўрсаткичлари киради.

Ер сиғими бу қишлоқ хўжалик ерлари баҳосининг ялпи маҳсулотга нисбатидир:

$$E_c = \frac{EB}{ЯМ}; \text{ сўмда}$$

Ер қайtimi эса бу ер сиғимига тескари кўрсаткич бўлиб, ялпи маҳсулотнинг ер ресурслари баҳосига нисбатидир (сўмда ифодаланади).

$$E_k = \frac{ЯМ}{EB}; \text{ сўм}$$

Иқтисодий самарадорлик ялпи ва товар маҳсулот ҳажми орқали ифодаланиб, деҳқочиликда экин майдонига нисбатан ҳисобланади:

$$C_1 = \frac{ЯМ(ТМ)}{С} \quad \text{ёки} \quad C_1 = \frac{ЯМ_{\text{ў}}(ТМ_{\text{ў}})}{С}$$

C_1 - самарадорлик

ЯМ - ялпи маҳсулот

ТМ - товар маҳсулот

С - экин майдони

$ЯМ_{\text{ў}}$ - ўсимликчиликдаги ялпи маҳсулот

Қуйида келтирилган жадвалда биз туман фермер хўжаликларининг ер ресурсларини таҳлил қиламиз.

Иштихон тумани фермер хўжаликларининг ер ресурслари*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши, +/-
		2010	2011	2012	
1	Фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган жами ер майдон, га	41252	41296	41296	44
2	Шундан: суғориладиган майдон, га	24844	24866	24866	22
3	Экин майдонлари, га	31554	31554	31554	0
4	Фаолият кўрсатаётган жа- ми фермер хўжаликлари сони, дона	538	538	538	0
5	Ўртача 1 фермер хўжали- гига тўғри келадиган ер майдони, га	76,7	76,8	76,8	0,1

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

А.1 - жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда туман фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган ер майдони 44 гектарга кўпайиб, 2012 йилда 41296 гектарни ташкил этган. Шунингдек, суғориладиган майдон 22 гектарга ошиб, 24866 гектарга етган. Ўртача 1 фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 0,1 гектарга кўпайиб, 76,8 гектарга етган.

Б). Фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалигида ишчи кучидан фойдаланиш даражасига ва агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигидир. Ишчи кучи билан етарлича таъминланмаганлик ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми бажарилмаслигига, дала ишларини ўтказишнинг оптимал агротехник муддатларига амал қилинмаслиги кабилар натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан керагидан ортиқ таъминланганлик эса ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик ва меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда табиий шароитнинг (ҳарорат, ёғин ва иссиқ кунлар миқдори) аҳамияти катта. Ишлаб чиқариш инсон меҳнати ҳамда меҳнат предметлари ва воситалари, табиий шароитларни эътиборга олган ҳолда самарали уйғунлашишини талаб этади. Инсон шу ишлаб чиқариш воситаларини маълум ҳудудда, даврда ишга солиб, ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади. Бу жараён бир қанча меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. Жумладан, экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, экиш, сув бериш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиб - териб олиш ва бошқалар. Ишлаб чиқариш жараёнининг самараси, аввало, инсоннинг онгига, билимига, малакасига, муносабатига, қолаверса, фан-техника тараққиётига, ишлаб чиқариш воситаларининг сифатига, ҳолатига ва

ниҳоят, табиий шароитга боғлиқ. Демак, инсон ўз фаолиятини уларнинг барчасини оқилона, уддабуронлик билан самарали ишга солишга қаратиши керак. Шундай меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг табиати ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хусусиятларга эга:

- меҳнат ва унинг самараси табиий шароит билан боғлиқлиги;
- меҳнатдан фойдаланишга ишлаб чиқариш мавсумийлигининг таъсир қилиши;
- қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ўсимликлар ҳамда тирик мавжудотлар (ҳайвонлар, ўсимликлар) билан узвий боғланганлиги;
- қишлоқдаги меҳнат савияси ва билим даражасининг нисбатан пастлиги;
- ўсимчилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилганлик ва механизациялаштирилганлик ҳамда электрлаштирилганлик даражаси пастлиги;
- тармоқда тор доирадаги ихтисослашишнинг камлиги;
- қишлоқ хўжалигида сарфланаётган меҳнат таркибида аёллар ва ёшлар меҳнати салмоғи (ҳиссаси) нинг кўплиги;
- қишлоқ хўжалигида меҳнатга тўланаётган ҳақ ва унинг ижтимоий ҳимояланиши бошқа тармоқлардагига нисбатан пастлиги ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркаклар -16 дан 60 ёшгача, аёллар -16 дан 55 ёшгача, шунингдек, қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига

1. Доимий;
2. Мавсумий;
3. Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;

4. Ўсмирлар;

5. Нафақахўрлар кирадилар.

Шу жумладан:

1. Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;

2. Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;

3. Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ишлаб чиқариш шароитидан, фойдаланиладиган технологиядан, техника билан таъминланиш даражасидан, қишлоқ меҳнаткашлари учун деҳқон хўжалигининг мавжудлигидан келиб чиқади. Шундай хусусиятлардан бири иш даври ва ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслигидан келиб чиқадиган иш кунидан фойдаланишнинг мавсумийлигидир. Мавсумийлик иш муддатининг қисқалигидан, айниқса деҳқончиликда, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа жараёнларнинг об-ҳавога боғлиқлигидан келиб чиқади. Энг кўп вақт бизда ҳосилни йиғиб оладиган ойларга тўғри келади (сентябрь-октябрь), энг оз вақт эса қиш ойлари (январь-февраль)га тўғри келади.

Иш кучидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим аҳамияти йил давомида иш кучидан бир текис фойдаланишни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалиги меҳнатининг мавсумийлигини пасайтириш имкониятларини излаб топишдадир. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш мавсумийлигини камайитиришнинг асосий омиллари қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва интенсивлик даражасини ошириш. Унинг ошиши қишлоқ хўжалиги ишларининг энг тиғиз даврида меҳнат харажатларига бўлган истеъмолни камайитириш ва шу билан қиш ва ёз ойларидаги ходимларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги фаркни қисқартириш.

2. Ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби. Тармоқ таркибини такомиллаштириш йил давомида иш кучига бир текисда эҳтиёж бўлган тармоқ ва маҳсулот тури салмоғини кўпайтириш демакдир. Деҳқончиликда

экиш муддати, ишлов бериш, ҳосилни пишиб етилиши ва уни йиғиб - териб олиш бўйича экин ва навларни танлаш йўли билан эришилади. Чорвачиликда деҳқончиликка нисбатан ходимлар йил давомида анча юқори банддир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида чорвачилик салмоғини ошириш ҳам ходимларнинг анча текис бандлигини таъминлайди.

3.Ёрдамчи корхоналар ва ҳунармандчилик. Фермер хўжалигидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган саноат корхоналаридаги ва цехларидаги ишлар мавсумий характерга эга ва дала ишлари анча тифиз бўлган пайтларда ҳеч зарарсиз тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бу қишлоқ хўжалиги меҳнати мавсумийлигига барҳам бериши ва иш кучининг қиш ойларидаги бандлигини оширишга имкон беради. Бундан ташқари ёрдамчи корхоналар ва ҳунармандчилик ўз жойида ўз хом ашёсидан фойдаланиб, хўжаликка қўшимча пул даромадлари, ходимлар учун қўшимча иш ҳақи манбаи бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан яхшироқ фойдаланишнинг катта имконияти ижтимоий ва индивидуал қурилишни ривожлантириш, капитал таъмирлаш, йўл қурилиши, умумий овқатланиш, маиший хизматни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида саноат ишлаб чиқариши кооперациясидан фойдаланишга ҳам боғлиқ.

4.Кадрлар малакаси. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг аралаш ихтисос ва мутахассисликларни эгаллаши, фермер хўжаликларида ишловчиларнинг қурилиш, мелиоратив ва бошқа ишларга, яъни қиш ойлари қилинадиган ишларга жалб қилиш ҳам иш кучидан фойдаланишнинг мавсумийлигини анча юмшатади.

5.Хўжалик операцияларининг бажарилиш муддатлари. Иш кучидан анча оқилона фойдаланиш алоҳида хўжалик операция (минерал ва маҳаллий ўғитларни ташиш, уруғни тайёрлаш ва бошқалар)ларни нисбатан анча бўшроқ вақтларга кўчиришга имкон беради.

6.Меҳнатни оқилона ташкил қилиш. Меҳнат жараёнларини оқилона ташкил этиш, техника ва ходимларни ягона ишлаб чиқариш занжирида бирлаштириш, ишни оз сонли кишилар билан бажариш, иш кучига бўлган

эхтиёжни пасайтиради ва ҳокозо.

Қуйидаги жадвалда биз туман фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Б.1-жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши:	
		2010	2011	2012	2012	2010
1	Фермер хўжаликларида жами ишловчилар сони, киши	15270	16461	14778	-492	96,8
2	Шундан: ёлланма ходимлар сони, киши	390	2300	1200	810	307,7
3	Фаолият юритаётган жами фермер хўжаликлари сони, дона	538	538	538	0	100,0
4	Ўртача 1 фермер хўжалигига тўғри келадиган ишловчилар сони, киши	28,4	30,6	27,5	-0,9	96,8

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

Б.1 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан туман фермер хўжаликларида ишлаётганларнинг жами сони 492 кишига камайиб, 14778 кишини ташкил этган. Шу даврда туман фермер хўжаликларида ишлаган ёлланма ходимлар сони 810 киши (207,7%)га кўпайган ва 1200 кишини ташкил этган. Туманда фаолият юритаётган ҳар 1 фермер хўжалигига ўртача 28,4-27,5 киши тўғри келган ёки 0,9 киши (3,2%)га камайган.

3-боб. Самарадорликнинг назарий асослари ва пахтачиликда унинг ҳозирги ҳолати.

3.1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Иқтисодий самарадорлик олинган самарани фойланилган ресурслар ёки харажатга таққослаш йўли билан аниқланади. Жонли ва моддийлашган меҳнатнинг умумий харажатлари билан қандай бўлса, ишлаб чиқариш ресурслари билан ҳам шу тарзда таққослама асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, шуни билдирадики, ишлаб чиқариш натижаси унинг харажатлари, шунингдек, ушбу жараёнга жалб этилган барча ресурслар ҳажми билан ҳам олдиндан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг қуйидаги турлари мавжуд: халқ хўжалигига, тармоқларга, қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларига, хўжалик юритишнинг турлича шаклларида ишлаб чиқариш, хўжалик ичидаги тармоқлар алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш (пахта, ғалла, сабзавот, сут ва ҳоказо), алоҳида хўжалик тадбирлари – агротехник, зоотехника, ветеринария, иқтисодий, ташкилийга оид.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг халқ хўжалигига доир самарадорлиги, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш нуқтаи назаридан, саноатда – хом-ашёга, шунингдек, халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда тармоқнинг молиявий қўйилмаларига қараб баҳоланади. Тармоққа доир самарадорлик қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва ресурс салоҳиятидан фойдаланишнинг натижавийлигини акс эттиради. Самарадорликнинг бошқа турлари ҳам тармоққа оидга ўхшаш, лэкин ишлаб чиқаришнинг турлича шакллари, хўжалик ичидаги бўлимлар, алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида ўтказилган чора-тадбирлардан олинган самараларни ресурслар ёки харажатлар билан таққослаб, натижаларни аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги

мезон ва кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мумкин.

Мезон асосида самарадорлик баҳоланадиган белгидир. У мақсадга етишда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муқобил вариантларини ўлчаб ва танлаб олиш ёрдами билан энг яхши воситаларни кўрсатиб беради. Самарадорликнинг асосий мезони – вақт иқтисодининг ҳамма учун умумий қонуни. Жамиятда самарадорлик ва иқтисодий манфаатларнинг турли хилллари асосийсига бўйсунадиган ва унинг модификацияси бўлган бошқа мезонларнинг ҳам мавжудлигини олдиндан белгилайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик мезони – бу умумий кўринишда самаранинг ижтимоий меҳнатининг ҳар бир бирлигига харажатларнинг максимум самараси. Алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар учун даромаднинг максимуми – хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги мезони, бошқалар учун мезон сифатида рақобатбардошлик чиқади. Бу мезонлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадларига жавоб беради. Бундан ташқари, улар интеграллашган ишлаб чиқариш манфаатларини ҳам, ҳамма корхоналар – интеграция қатнашчилари манфаатларини ҳам бирдек акс эттиради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари уларнинг даражаларининг миқдорий ўлчаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг ўсиши, шу ресурс салоҳияти билан якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ва маҳсулот бирлигига меҳнат, ҳамда моддий харажатларни камайитириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги – такрор цхлаб чиқариш – маҳсулот ишлаб чиқаришгина эмас, тақсимлаш, алмашиш, истеъмол каби даврлар фаолиятининг натижавийлигига ҳам боғлиқ. Иқтисодий самарадорлик даражасига об-ҳаво шароити ҳам таъсир қилади, шунинг учун уни аниқлашдаги мажбурий пайтлардан бири – камида 3-5 йиллик ўсишни акс эттирувчи ҳақиқий кўрсаткичлар таҳлилидир. Бу қишлоқ хўжалиги ривожланиши, тенденсия ва қонуниятларини объектив равишда аниқлаш ва ишлаб чиқариш натижаларига об-ҳаво шароитининг таъсирини имкони

борича камайтиришга имкон беради.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки хил усулда ҳисоблаб чиқиш мумкин: самарадорликни самара кўрсатиладиган суратда каср сифатида, махражда – ресурслар ёки харажатлар сифатида ифодалаш; самарадан харажатларни унинг ютуқларига ажратиш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун самарани турлича омиллар билан қандай ўлчаса, иқтисодий табиати билан ажралиб турадиган ва ҳаммага ҳам таққослаб бўлавермайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи ҳамма кўрсаткичларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳ қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, бошқаси – жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Биринчи гуруҳга ердан олинадиган фойда, фонд сифими, меҳнат унумдорлиги, ресурслардан келадиган фойда ва бошқалар, иккинчисига – таннарх, моддий сарфлар, сермеҳнатлилик, рентабеллик даражаси ва бошқалар киради. Мақсад ва ўрганиш объектига қараб иккала гуруҳ кўрсаткичларидан ҳам бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчига бўлинади. Хусусий кўрсаткичлар алоҳида турдаги ресурсларидан ёки харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади, умумлаштирувчи эса ресурс салоҳияти ва ҳамма жорий ишлаб чиқариш харажатларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига тўлиқ баҳо беради. Ресурслардан фойдаланишнинг хусусий самарадорлик кўрсаткичларига ердан, фонддан келадиган фойдалар, умумлаштирувчига – ресурслардан фойдалар киритилади; харажатлардан фойдаланишнинг хусусий кўрсаткичларига – таннарх, моддий сарфлар, сермеҳнатлилик, умумлаштирувчига – рентабеллик даражаси киради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун якуний маҳсулот бирлигига хом-ашё сарфи, қишлоқ хўжалик хом-ашёси бирлигига якуний маҳсулотнинг чиқиши, маҳсулот бирлигига харажатлар, маҳсулот бирлиги таннархи, маҳсулот

сотишдан даромад, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги омбор сиғими, сақлашда маҳсулотнинг йўқотилиши, маҳсулот бирлигини сақлашга қилинган моддий-пул маблағлари харажатлари коэффицентлари, сақлашдан келган даромад ва рентабеллик даражаси кабилар билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-муҳитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалиги машулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари – турли агротехник ва зоотехникага оид тадбирлар ўтказиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсиши ва чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигидир. Шу билан бирга, таклиф этилаётган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳам мумкин.

Агротехник ва зоотехника тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги ушбу тадбирларни унинг учун белгиланган харажатлар ёки қўлланилган ресурсларга таққосланган ҳолда олинган самарага қараб аниқланади.

Асосий агротехник тадбирлар – экин майдонлари тузилишини оптималлаштириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, жадал ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қиладиган воситалардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Экин майдонларининг тузилишини оптималлаштириш рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, чорвачилик тармоқларининг озуқага бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди, ўсимликчиликнинг самарадорлиги ошишига ёрдам беради, тупроқ ва иқлим хусусиятларига мос келиши керак. Шундай экинларни танлаш керакки, 1 га ерга кам харажат ва

меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот олинсин.

Экин майдони тузилишини иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1 га экин майдони ва бир киши/соат, 1 га майдонга меҳнат ва моддий-пул маблағлари ҳамда маҳсулот бирлиги харажатлари ҳисобига 1 га майдон ва 100 сўм харажатдан соф фойда.

Соф даромаднинг ўлчами ҳосилдорлик даражаси, таннарх ва сотиш баҳосига боғлиқ. Агар харажатлар экин гуруҳлари бўйича ҳисобга олинса, ҳар бир экин маҳсулоти таннархи, ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Шу билан бирга, ҳосилдорлик ва охириги 3-5 йилда 1 га ерга ўртача харажатлар аниқланиб, реализация баҳолари корхонада кейинги йилларда йиғилган ҳақиқий баҳолардан олинади.

Қабул қилинган самарадорликни концепциясиларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалик яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик айланма воситаларига тўғри келган маҳсулот қўлланилган ресурслардан фойдаланишни самарадорлигини характерлайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Биз битирув малакавий ишимизда самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларидан ҳисобланган рентабелликни ўрганиш билан чегараланишни лозим топдик.

3.2. Туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш рентабелигининг ҳозирги ҳолати.

Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ}$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Демак, рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи фойда булганлиги учун рентабелликни ошириш омиллари дэганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар.

1. Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боғлиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори абсолют кўпаяди.

Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали фойда миқдори таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига боғлиқ. Бундан ташқари пул тушуми сотиш каналларига ҳам боғлиқ. Унинг давлатгами, тайёрлов идорасигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдори анча сезиларли таъсир кўрсатади.

2.Ташқи омилларга маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар ўртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки бу маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек, рақобатчиларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, сотиладиган маҳсулот миқдори, баҳо даражасига ва пировард натижада фойда миқдори таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив характерга эга. Экстенсив омиллар – бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омиллар – сотиш баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса, маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда, шунингдек, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги рентабелликнинг ўртача кўрсаткичидан фойдаланилади. Ўртача кўп йиллик баҳолар кўрсаткичида сотилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати тўғрисида ўртача маълумотлар акс этади, маҳсулот бирлигининг ўртача кўп

йиллик таннархида эса иқлим шароити ва ишлаб чиқариш шароитларидаги ўзгаришлар таъсири акс этади. Бир турдаги маҳсулотларнинг қатор йиллардаги ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўзгаришидаги барқарор тенденциялар ҳақида объектив маълумотлар олиш имкониятини беради; турли хилдаги маҳсулотлар ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш эса, қайси турдаги маҳсулот қулайроқ, даромадлироқ эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Қуйида келтирилган жадвалда биз туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш рентабеллигини динамикада кўриб чиқамиз.

3.2.1-жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш рентабеллиги динамикаси*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши:	
		2010	2011	2012	Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
1	Сотилган пахта хом ашёси миқдори, тонна	26957	28120	27263	306	101,1
2	Сотилган маҳсулот таннархи, млн.сўм	13957,0	16700,3	17939,9	3982,9	128,5
3	Сотишдан олинган даромад (пул тушуми), млн.сўм	16148,2	19639,5	21545,9	5397,7	133,4
4	Фойда (+) ёки зарар (-), млн.сўм	2191,2	2939,2	3606	1414,8	164,6
5	Рентабеллик (+) ёки зарарлилик (-) даражаси, %	15,7	17,6	20,1	4,4 пунктга ошган	

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

3.2.1 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган йилларда туман фермер хўжаликлари етиштириб, сотган пахта хом ашёси миқдори 306 тонна (1,1%)га, унинг таннархи 3982,9 млн. сўм (28,5 %)га, сотишдан олинган даромад 5397,7 млн. сўм (33,4%)га ҳамда фойда суммаси 1414,8 млн.сўмга ёки 64,6 фоизга ошганлиги эвазига пахта хом ашёси ишлаб

чиқариш рентабеллиги 15,7 фоиздан 20,1 фоизгача ёки 4,4 пунктга ошган.

Битирув малакавий ишимизнинг кейинги бобида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятларини кўриб чиқамиз.

4-боб. Пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш

имкониятлари.

4.1. Пахта таннархи ва фермер хўжаликларида уни пасайтириш

имкониятлари.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва моддийлашган меҳнатлар сарфланади. У ёки бу маҳсулотларни олиш учун сарфланадиган, жамият учун зарур бўлган барча моддийлашган ва жонли харажатлар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатларини ташкил этади. Улар иш вақти билан ўлчанади. Ижтимоий харажатлар маҳсулот таннарига мос келади. Жамиятга маҳсулотлар нималар ҳисобига ишлаб чиқилишини кўрсатади. Маҳсулот таннари ($C+V+M$) қуйидагиларни қамраб олади: C – аввалги меҳнат билан яратилган ва янгидан ишлаб чиқаришга ўтказиладиган ишлаб чиқариш талаб қиладиган маблағ қиймати (сарфланган); $V + M$ – жонли, зарур ва қўшимча қилинган меҳнатнинг бажарилиш натижаси сифатида янгитдан яратилган қиймат (V – зарур меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати; M – қўшимча меҳнат билан яратилган маҳсулот қиймати).

Жамиятники билан бир қаторда аниқ корхона сарфларини акс эттирувчи индивидуал харажатлар ҳам мавжуд. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализациясига қилинган жонли меҳнат ва моддий маблағлар харажатларининг йиғиндиси – корхона харажатларидир. Улар маҳсулот таннарининг асосини ташкил этади.

Харажатлар доимий ва ўзгарувчанга бўлинади.

Доимий харажатлар – миқдори ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Улар корхона ўз активи ва ишчилари сонини ўзгартирмагунга қадар ҳар йили бир хил даражада мавжуд бўлади. Уларга асосий воситалар амортизацияси, корхонадан олинадиган айрим турдаги солиқлар, асосий воситалар суғуртаси, амортизация ажратмалари, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини

таъмирлашга кетган маблағлар, уруғлик ва экиладиган материаллар, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоялаш воситалари, кредитларга фоизлар, реклама харажатлари, қўшимча харажатлар ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Уларга иш ҳақлари, озуқага, ўғитга, ишлаб чиқариш материалларига (дизел ёқилғиси, мойлаш материаллари ва б.), энергия, ёрдамчи материаллар, ноқулай об-ҳаво шароитидан суғурталар (дўл, кўрғоқчилик), маҳсулотни реализация қилиш харажатлари киради. Харажатларни доимий ва ўзгарувчанга тақсимлаш корхона фаолияти таҳлилида, шунингдек, норматив харажатларнинг ҳисоб-китобини осонлаштириш ва берилган параметрларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Таннарх - корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун пул шаклида ифодаланувчи харажатларидир.

Таннарх - бу аниқ корхона шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг асосланган қисми. У ҳар бир корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш нимага тўғри келишини кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқаришга маълум миқдорда ишлаб чиқариш маблағи ва ишчиларнинг жонли меҳнати сарфланади. Ишлаб чиқариш сарфланган маблағ корхонанинг уруғлик, ёқилғи, ўғитлар, электр қуввати, асосий воситалари кўринишида сарфланган ва унинг воситаларида моддийлаштирилган меҳнатни кўрсатади. Жонли меҳнат ҳақиқий тўлов бўйича ҳисобга олинади.

Таннарх ўзида қишлоқ хўжалиги корхонасида фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бирини ифодалайди, чунки, унда уларнинг ишларини сифатли фойдаланиш даражаси кўрсатилади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширилиши иш якунида таннархни пасайтирган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан белгиланади. Чунки, таннархнинг даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш ва ихтисослаштириш мезони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқариданнархни

ҳисоблаб чиқариш ишлаб чиқаришининг рентабеллигини белгилайди.

Харажатларнинг шаклланиш этапларига қараб, таннархнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлади:

- 1.Технологик
- 2.Ишлаб чиқариш
- 3.Коммерция ёки тўла таннарх

1.Технологик таннархига, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган, шунингдек, бўлимларда бригада, ферма ва цехларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

2.Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархларнинг йиғиндисини, корхонани ва ишлаб чиқаришни бутунлай бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг (умумхўжалик харажатлари) йиғиндисини ифодалайди.

3.Коммерция ёки тўла таннарх ишлаб чиқариш харажатларининг жамиси ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган, муомала харажатларининг йиғиндисини ифодалайди. У фақат товар маҳсулот учун ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳисоблаш характериға қараб қуйидагича таннарх турлари аниқланади:

- 1.Режа таннархи.
- 2.Дастлабки, вақтинчалик ва тахминий таннарх
- 3.Ҳақиқий таннарх

1.Режа таннархи, бу корхона режалаштираётган даврда-ги маҳсулот бирлигига сарфланиши лозим бўлган хара-жатлар йиғиндисини ифодалайди.

2.Вақтинчалик ёки тахминий таннарх эса 9 ойлик ҳақиқий харажатларни ва 4-кварталдаги режа харажатларини ўз ичига олади.

3.Ҳақиқий таннарх эса йил охирида корхона хўжалик фаолиятини якун қилишда йиллик ҳисоботлар асосида ҳисобланади. У олинган ялпи маҳсулот учун сарфланган ҳақиқий харажатлар асосида ҳисобланади. Маҳсулот таннархи шаклланиш жойига қараб, индивидуал (конкрет корхонада, уюшма ва бошқа), зона (маълум бир зонанинг ўртачаси) ва тармоқ таннархларига бўлинади (мамлакат бўйича ўртача).

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади. Таннарх қуйидаги ҳолларда пасайиши мумкин:

1. Агар маҳсулот ўзгармагани ҳолда, харажат миқдори камайса.
2. Агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса.
3. Агар ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан илгари кетса.

Маҳсулот таннархи омиллари қишлоқ хўжалигида турли тумандир. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таннархнинг 2 таркибий қисмига, яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдори.

2. Фақат харажат миқдори.
3. Фақат маҳсулот миқдори.

1 – гуруҳга:

- а) ходимларнинг моддий манфаатдорлиги.
- б) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш.
- в) ишлаб чиқариш технологиясини қисқа вақтда ва сифатли бажариш.

2 – гуруҳга:

- а) ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими.
- б) ишлаб чиқаришнинг ер сиғими.
- в) ишлаб чиқаришнинг фонд сиғими.
- г) ишлаб чиқаришнинг материал сиғими.

3 – гуруҳга:

а) қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги.

- б) экин майдонлари ва пода структураси.
- в) маҳсулотни сақлаш усуллари.

Қуйида келтирилган 4.1.1 - жадвалда биз охириги йилларда туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси таннархини таҳлил қиламиз.

4.1.1-жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларида пахта хом ашёси таннархи динамикаси*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши:	
			2010	2011	2012	Мутлоқ, +,-	Нисбий, %
1	Жами етиштирилган пахта хом ашёси миқдори	Ц	269570	281200	272630	3060	101,1
2	Пахта хом ашёси етиштириш учун қилинган жами харажат	млн.сўм	13957	16700,3	17939,9	3982,9	128,5
3	1 ц пахта хом ашёси таннархи	сўм	51775,05	59389,3	65803,4	14028,4	127,1

*Манба: Туман кишлок ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

4.1.1 - жадвал маълумотларидан кўринишича, туман фермер хўжаликларида 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 3060 ц (1,1%) кўп пахта хом ашёси етиштирилиб, қилинган харажат суммаси 3982,9 млн.сўмга ёки 28,5 фоизга, 1 ц пахта хом ашёси таннархи эса шу даврда 51775,05 сўмдан 65803,4 сўмга ёки 14028,4 сўм (27,1 %)га қимматлашган.

Пахта хом ашёси таннархи қайси харажатлар сарфининг кўпайиши ҳисобига ошганлигини аниқлаш мақсадида биз куйида туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси таннархи таркибини кўриб чиқамиз. (5-жадвалга қаралсин).

4.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1 ц пахта хом ашёси таннархи 14028,35 сўмга ёки 27,1 %га ошган. Таннарх таркибида энг кўп салмоқни меҳнат ҳақи ажратмалари билан (30,9-31,7%), уруғлик (13,8-14,1), ЁММ (11,8-12,0%), ўғит (13,9-14,2%) ҳамда иш ва ҳизматлар (11,2-10,5%) каби харажатлар ташкил этган

4.1.2 - жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларида 1 ц пахта хом ашёси таннархи таркиби*

т/р	Харажатлар	2010 йил		2012 йил		2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
		Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
1	Меҳнат ҳақи ажратмалари билан	15998,49	309	20859,68	31,7	4861,19	130,4
2	Уруғлик	7144,96	13,8	9278,28	14,1	2133,32	122,9
3	ЁММ	6109,46	11,8	7896,4	12,0	1786,94	129,2
4	Ўғит	7196,73	13,9	9344,08	14,2	2147,35	129,8
5	Иш ва хизматлар	5798,81	11,2	6909,36	10,5	1110,55	119,1
6	Амортизация	2226,32	4,3	2895,35	4,4	669,03	130,0
7	Бошқарув харажатлари	2692,30	5,2	3224,37	4,9	532,07	119,8
8	Суғурта тўловлари	931,95	1,8	1250,27	1,9	318,32	134,2
9	Бошқа харажатлар	3676,03	7,1	4145,61	6,3	469,58	112,8
жами		51775,05	100,0	65803,4	100,0	14028,35	127,1

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

Келгусида пахта хом ашёси таннархини пасайтириш учун энг аввало, ана шу харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

4.2. Фермер хўжаликларида пахта хом ашёсининг харид баҳоси ва уни ошириш имкониятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида барча турдаги ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси миқдори реализация қилинаётган маҳсулот турларининг нархи яъни баҳосига боғлиқ. Баҳо – бу товар қийматининг пулда ифодаланишини исботлайди. Қиймат қонуни баҳонинг товар қиймати атрофидаги ҳаракати қонуниятини аниқлайди. Рақобат шароитида, талаб ва таклиф асосида баҳо ва қиймат ўзгариб туради. Гоҳо баҳо қийматдан юқори бўлади ва аксинча. Икковининг тенг келиши эса мувозанат баҳосини юзага келтиради. Маҳсулотга қўйилган паст баҳо, одатда уни ишлаб чиқариш харажатларининг пастлигидан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида баҳо қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- Баҳонинг ҳисоблаш ёки ўлчаш вазифаси. Иқтисодиётда баҳонинг турли тизимлари ёрдамида ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий-пул харажатлари, соф даромад, фойда каби барча қиймат кўрсаткичлари режалаштирилади ва ҳисобга олинади;

- Баҳонинг рағбатлантириш вазифаси. Ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот сотишдан оладиган даромади, энг аввало, товарнинг ишлаб чиқариш харажатларига ва баҳосига боғлиқ бўлади. Табиийки, маҳсулот баҳосининг кўтарилиши шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ундайди;

- Баҳонинг тақсимот вазифаси. Товарлар баҳосининг ўзгариши моддий товарларни қайта тақсимлаш имконини беради. Бундан ташқари баҳо ёрдамида қўшилган қийматни, соф даромадни ва ҳ.к.ларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш амалга оширилади, шунингдек кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сферасини молиялаштириш амалга оширилади;

- Баҳонинг тартибга солиш (бошқариш) вазифаси. Баҳо орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг тармоқлар ўртасида тақсимланиши ҳам баҳо орқали амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги баҳолар кенг қўлланилади:

1. Гаров баҳолари. Улар маҳсулотларни гаровга сотиб олганда қўлланилади.

2. Жаҳон бозори баҳолари. Улар товарларнинг экспорт ёки импорт шартларини ҳисобга олиб белгиланади.

3. Трансферт баҳолари. Улар халқаро фирмалар, бирлашмалар, трансмиллий компаниялар доирасида товар ва хизматларни етказиб бериш учун ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган турли хил баҳолардир.

4. Таққослама баҳолар. Улар, одатда, барча каналлар ва баҳолар бўйича сотилган маҳсулотларнинг ўртача қийматига тенг бўлади. Уларнинг даражаси даврий-даврий қайта белгиланади. Улардан фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш, савдо айлануви, реал меҳнат ҳақи ва унинг унумдорлиги каби кўрсаткичларни динамикада ўсиш суръатини таҳлил этишга шароит яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида амалиётда товар ва хизматларга баҳо шаклланишининг бир қанча усуллари тавсия этилган уларнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

1. Ўрта харажатлар даражасига фойдани қўшиб ўрнатиладиган баҳо. Бу усул маҳсулот таннархига бир хил қўшимча қиймат ҳисоблашдан иборат;

2. Зарарсизлик ва мақсадли фойда олишни таъминлаш мақсадида маҳсулотнинг режадаги рентабеллик даражаси бўйича баҳоларни ўрнатиш. Бу усул умумий харажатларни ва турли даражадаги сотиш ҳажмидан кутилаётган тушумни таққослашга асосланади;

3. Маҳсулотнинг реал қийматидан келиб чиқиб баҳоларни ўрнатиш. Бу усул маҳсулотга қўйилган баҳонинг аниқ миқдорига харидорларнинг таъсирланишига таянади.

4. Ўрта баҳолар даражаси асосида баҳоларни ўрнатиш. Товар ишлаб чиқарувчи асос қилиб рақобатчилар баҳосини қабул қилади ва ўзининг харажатларига ва маҳсулотга бўлган талабга эътибор қилмайди.

Ана шу усулларни алоҳида кўриб чиқадиган бўлсак, биринчисида айтиб ўтилганидек, баҳо маҳсулот таннархи ва стандарт устама асосида ўрнатилади. Бунда маълумки, устама миқдори товарнинг тури ва сотиш ҳажмига қараб ўзгариб туради.

Иккинчи усулда, фойда, албатта, маҳсулот турига боғлиқ ҳолда тебраниб туради. Бу иккала усулда ҳам бозор иқтисодиётининг қонунларидан бири бўлган, талаб ва таклифлар тўлиқ амалга оширилмайди.

Учинчи усулда баҳонинг ўрнатилиши кўпроқ баҳолар даражасини давлат томонидан бошқарилиб, тартибга солиб турилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тўртинчи усулда албатта мувозанат баҳосига яқинлашилади ва бу ерда талаб ва таклифдаги ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Нархларнинг шаклланиш механизми ўзида янги нархларнинг шаклланиши ва нархни шакллантирувчи омиллар таъсирида амалдагисининг ўзгаришини акс эттиради. Нархларнинг шаклланишига икки хил ёндашув: харажатли (ишлаб чиқариладиган) ва бозор нархи фарқланади. Биринчи ҳолатда товар нархини белгилаш асосига уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари қўшиб юборилади; иккинчисида белгиловчи бозор конъюнктураси, товарга талаб ва таклиф бўлади.

Нархни шакллантиришнинг харажатли методининг моҳияти шундаки, бунда товарнинг баҳоси маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва реализация қилишга пул шаклида қилинган харажатларни билдирувчи ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига боғлиқ бўлади. Бироқ, бундай ёндашувга мувофиқ товар баҳоси маҳсулот бирлигини ишлаб чиқиш ва реализация харажатларига тенг суммада қабул қилинади, деб хулосалаб бўлмайди. Нархни шакллантиришнинг харажатли механизми ишлаб чиқарувчи ва

сотувчи харажатларни қоплабгина қолмай, маълум фойда ҳам олиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Харажатли ёндашувга асосан аниқланадиган мос ҳолдаги нарх формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H=X+D,$$

бунда X - товар бирлиги ишлаб чиқариш ва реализация қилишга кетган ўртача харажат, сўм; D - ишлаб чиқарувчи (сотувчи) товар бирлигига олган даромад, сўм.

Нарх шаклланиши бозор методининг моҳияти шундаки, нарх икки томоннинг манфаатлари эркин бозорда тўқнашган сотувчи ва харидорнинг талаб ва таклифларини тенглаштириш асосида белгиланади. Бундай баҳо "бозор баҳоси (нархи)" номини олган.

Бозор баҳосининг даражаси ва динамикасига талаб ва таклифнинг баҳо эластиклиги сингари омиллар катта таъсир ўтказди.

Ҳозирги замон иқтисодиётида нарх шаклланишининг бозорга оид ва харажат механизмлари ўзига хос ва харажат механизми бошқариладиган иқтисодиётда нарх шаклланишига энг мос келадиган бўлса ҳам, бозор механизмнинг бир қисми ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи барқарор эмас ва қатор омилларнинг таъсирига маҳкум:

- бозор конъюнктураси, талаб ва таклифлар;
- илмий-техник тараққиёт ва меҳнат унумдорлиги;
- рақобат;
- солиқлар;
- нархларни давлат томонидан тартибга солиш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот реализацияси;
- маҳсулот сифати;
- реализация муддатлари ва воситалари.

Нархларнинг минимал даражасини корхона харажатлари, максималлаш

- истеъмолчилар талабини белгилайди, ўртачаси рақобат таъсири остида шаклланади. Юқори инқироз шароитида нархлар сезиларли даражада

маҳсулотни реализация қилиш муддатларига боғлиқ бўлади, шу боис кўпчилик хўжаликлар маҳсулотларни узоқ муддатга ғамлаб қўядилар, кейин уларни юқорида нархда сотадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг шаклланишида саноат товарларига (техника, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа) нархлар ҳамда транспорт тарифлари алоҳида рол ўйнайди.

Қатор белгиларига кўра, нархлар турларга бўлинади. Савдо соҳаси ёки хизмат кўрсатиш обороти характериға боғлиқ ҳолда улар улгуржи, чакана, харид ва тариф нархларға бўлинади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги алоқаларнинг икки тури бор. Биринчиси - бозор ёрдамида товар ишлаб чиқариш ва муомала қонунларига мос равишда амалға ошириладиган алмаштириш сифатида; иккинчиси - ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг талаб ва баланс тузилишини (ҳисобға олган ҳолда) ўрганиб тақсимлаш. Биринчи ҳолатда бозор ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги муносабатлар тизими сифатида майдонға чиқади; иккинчисида - алоқа тақсимловчи органлар қиёфасидаги воситачилар орқали ифодаланади. Шу билан бирға етакчи рол маҳсулот ишлаб чиқарувчига тегишли бўлади.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларға асосланиши мумкин:

- эркин баҳоларнинг давлат бошқарадиган баҳолар билан қўшилиб кетиши;
- талаб ва таклиф таъсири остида мувозанат баҳосининг вужудға келиши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган саноат маҳсулотлари баҳоси билан эквивалентлигини таъминлаш;
- таклиф баҳосини ҳисоблашда меъёрий усуллардан фойдаланиш;
- товар ишлаб чиқарувчиларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалға ошириш учун етарли даражада даромад билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва унинг самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот сифатига ва уни сотиш муддатларига қараб баҳоларни табақалантириш;
- қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини рағбатлантириш;
- молия-кредит муносабатлари ва баҳолашнинг алоқадорлигини оптималлаштириш.

Биз қуйидаги жадвалда туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси харид баҳоларининг ўзгаришини динамикада кўриб чиқамиз.

4.2.1-жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларида пахта хом ашёси харид баҳоларининг ўзгариш динамикаси (сўм)*

Йиллар		Жами сотилган пахта хом ашёси микдори, тонна	Хом ашёни сотиш дан олинган пул даромади, млн. сўм	1 ц пахта хом ашёсининг харид баҳоси, сўм
2010		26957	16148,2	59903,7
2011		28120	19639,5	69841,7
2012		27263	21545,9	79029,9
2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	Мутлоқ, +/-	306	5397,7	19126,2
	Нисбий, %	101,1	133,4	131,9

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

4.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида таҳлил қилинган йилларда етиштирилиб, сотилган пахта хом ашёси микдори 306 тонна (1,1%)га, олинган даромад 5397,7 млн. сўм (33,4 %) га кўпайиб, 1 ц пахта хом ашёси харид баҳоси 19126,2 сўмга ёки 31,9 %га ошган.

Келгусида туман фермер хўжаликларида пахта хом ашёси харид баҳоларини янада ошириш учун эртапишар, серҳосил уруғ навларидан экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ишчилар манфаатдорлигини ошириш, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмасдан йиғиб-

териб олиш кабилар ҳисобига хом ашё сифатини ошириш лозим деган фикрдамиз.

4.3. Ғўза ҳосилдорлиги ва фермер хўжаликларида уни ошириш йўллари.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи барча корхоналарда бўлгани сингари фермер хўжаликларида ҳам экиладиган ҳар бир экин ҳосилдорлиги даражаси шу соҳадаги меҳнат унумдорлигига, маҳсулот таннархига, пул тушумига ва қолаверса, олинадиган фойда суммасига, пировардида эса, ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этмасдан қолмайди. Бир гектардан олинадиган ҳосилдорлик қанчалик юқори бўлса, аввало маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар миқдори шунча камаяди, сотиш баҳоси ва таннарх ўртасидаги фарқ - фойда суммаси кўпаяди, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги ортади, бу эса ўз навбатида ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида, шу жумладан фермер хўжаликларида ҳам экинлар ҳосилдорлигига бир канча омиллар таъсир этади. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Ерни экишга тайёрлаш даражаси ва уруғ экиш муддати.
2. Экилган уруғ нави.
3. Ўғитлаш тизими, миқдори ва муддатлари.
4. Суғориш тизими, сони ва сифати.
5. Экинларга ишлов бериш сони ва сифати.
6. Касалликларга, зарарқунандаларга ва бегона ўтларга қарши кураш даражаси.
7. Ҳосилни йиғиб - териб олишни ташкил этиш.
8. Соҳада ишловчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлик даражаси ва бошқалар.

Юқорида келтирилган омиллардан бирортасига эътиборсизлик билан қаралса, қолганларининг таъсир даражаси пасаяди ва оқибатда кўзланган мақсадга эришиш қийин бўлади.

Ерлардан самарали фойдаланмаслик, сизот сувлар сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш даражасининг ошиши, ерга органик (маҳаллий) ўғитларнинг кам солиниши кабилар натижасида улар балл - бонитети (унумдорлиги)нинг пасайиши ва тармоқда ишловчилар манфаатдорлигининг пастлиги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Қуйида келтирилган жадвалда биз тумани фермер хўжаликларида ғўза ҳосилдорлигини таҳлил қиламиз.

4.3.1-жадвал

Иштихон тумани фермер хўжаликларида ғўза ҳосилдорлиги динамикаси*

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2012 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
			2010	2011	2012	Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
1	Пахта экилган майдон	га	10230	10195	9490	-740	92,8
2	Ялпи пахта ҳосили	тонна	26957	28120	27263	306	101,1
3	1 га ердан олинган ўртача ҳосилдорлик	ц	26,4	27,6	28,7	2,3	108,7

*Манба: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари.

4.3.1-жадвал маълумоларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан туман фермер хўжаликларида ғўза экилган майдон 740 гектар (7,2%)га қисқаргани ҳолда, ялпи олинган ҳосил 306 тонна (1,1%)га ошган. Туманда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бўйича ўртача ҳосилдорлик шу даврда 26,4 центнердан 28,7 центнергача ёки 2,3 ц(8,7%)га кўпайганлигини кўриш мумкин.

Келгусида туман фермер хўжаликларида ғўза ҳосилдорлигини янада ошириш учун серҳосил, эртапишар, касалликларга ва сувсизликка чидамли навлардан экиш, барча тадбирларни сифатли ўтказиш, суғоришнинг “шарбат” усулидан кенг фойдаланиш кабиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

5-боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш.

Меҳнат муҳофазаси тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнида? хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

“Меҳнат муҳофазаси” атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода бу атама меҳнатини қўллашга оид барча масалалар мажмуини ўз ичига оладиган ва меҳнат ҳуқуқининг турли бўлимлари (меҳнат шартномаси, иш ва дам олиш вақти ва бошқалар)га тааллуқли ҳуқуқ нормалари йиғиндиси тушунилади. Булар жумласига ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортишни тақиқловчи, ходимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишни чекловчи, иш вақти чегараларини белгиловчи ҳамда бошқа кўплаб қулай меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган йўналишлар киради.

Тор маънода эса меҳнат муҳофазаси атамаси ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқиши ва уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Меҳнат муҳофазаси техника, хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини ҳам ўз ичига олади. Техника хавфсизлиги деганда, ишлаб чиқаришни зарарли омиллари таъсирини бартараф этишга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими назарда тутилади. Ишлаб чиқариш санитарияси деганда, ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирларининг олдини олишга ёки уларни камайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими

тушунилада.

Меҳнат муҳофазасига оид қонунлар мулкчилик шаклидак қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга, кооперативлар, деҳқон, фермер хўжаликларида ёлланиб ишлаётган ёки аъзо бўлган ҳолда меҳнат қилаётган барча фуқароларга, ишлаб чиқариш амалиёти даврида корхоналарга жалб этилган ўқувчилар ва талабаларга, корхонадаги ишларга жалб этилган ҳарбий хизматчиларга, муқобил хизматни ўтаётган шахсларга, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган бошқа ишларга жалб этилган барча фуқаролар меҳнатини муҳофазалашга нисбатан тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати асослари баён этилган бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги бу сиёсатнинг бош қоидаларидан бирини ташкил этади.

Меҳнат кодексининг 211-моддасига кўра, меҳнат муҳофазаси меҳнат муносабатларининг муҳим таркибий элементи ҳисобланиб, ундан иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам муҳим ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади.

Меҳнат кодексининг 212-моддасида меҳнат муҳофазаси юзасидан ходимларнинг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб унга кўра, «Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига шунингдек маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий воситалардан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт».

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга қатъий амал қилиш

ходимнинг бурчи бўлиб, унга риоя этмаслик интизомий жавобгарликка ва интизомий жазо қўлланишига сабаб бўлади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини текшириб бориш ва зарур шарт-шароитлари билан таъминлаш иш берувчининг мажбуриятлари сирасига киради.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган профилактик чоралар жумласига юқоридагилардан ташқари, корхоналарда техника хавфсизлигини таъминлаш хизмати бўлиши лозимлиги ҳақидаги (меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддаси) меҳнатни муҳофаза қилишга оид йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқирилиши, ходимларнинг якка ҳимояланиш воситалари билан таъминланишлари ва бу воситалардан фойдаланиш ходим учун мажбурий эканлиги, зарарли ишлаб чиқариш шароитларида банд бўлган ходимларнинг касалликка чалинишларининг олдини олиш мақсадида белгиланган меъёрларга мувофиқ профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари, шўр сув, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланишлари, айрим тоифага мансуб ёки зарарли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни ишга қабул қилиш пайтида ҳамда иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиб туриш лозимлиги, соғлиги ҳолатига кўра ходимларни енгилроқ ишга ўтказиб турилиши каби тадбирлар ҳам киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун давлат маблағлари ажратилади ҳамда улардан тўлиқ ва мақсадга мувофиқ фойдаланилиши давлат ҳамда жамоатчилик йўли билан назорат қилинади. Корхона томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағлардан тўлиқ ёки мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик давлат ва молия интизомини кўпол равишда бузиш деб баҳоланади.

Корхоналарда ходимлар иш берувчилар ҳисобидан бахтсиз ходисалардан ва касб касалликларига чалинишдан мажбурий суғурта қилиб кўйилади. Меҳнат муҳофазасига оид умумий ва махсус қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунда,

«Аҳоли соғлигини сақдаш тўғрисида»ги, "Санитария назорати тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда, улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддасида хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ходимнинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 213-моддасига кўра:

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни меҳнат шароитлари, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли тўғрисида, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органи томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо қўлланилмайди.

Маъмурият агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун

барча моддий зиёни тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилшп тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда исталган пайтда бекор қилиши мумкин.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатни чекламай ана шундай ишларга ўтказишга мажбур.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда ходимларнинг шундай ишларга ўтказилган кунидан бошлаб, икки ҳафта мобайнида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиги шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Меҳнат муҳофазасига оид қоида ва стандартларга кўра муайян ишни бажаришга ходимнинг қўйилиши учун у махсус ўқитилиши ва имтиҳон топшириши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда ушбу ишлар хавфсизлиги ва эксплуатация қоидалари юзасидан ўқитилиши лозим. Ходимни бундай ўқитишдан бўйин товлашига йўл қўйилмайди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни 19-моддасида кўрсатилганидек:

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз

ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади. Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиги ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирулгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ходимлар меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Тиббий

кўриқдан ўтиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Хулоса ва таклифлар.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида асосан пахта, ғалла ҳамда узум етиштирилиб, қисман чорвачилик ривожланган.

Туманда мустақиллик йилларида ислохотлар босқичма - босқич амалга оширилди. Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларни қўллаб - қувватлаш натижасида Иштихон туманида ҳам фермер хўжаликлари сони ортиб, иқтисоди мустаҳкамланиб борди. 2008 йилдан бошлаб фермер хўжаликларини мақбуллаштириш (йириклаштириш) бошлангач, улар сони қисқара бошлади. 2012 йил бошида улар сони 538 тани ташкил этиб, узок муддатли ижарага берилган ер майдонлари 41296 гектарга етди.

Пахтачиликда самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларидан бири бўлган рентабелликни ўрганишимиз шуни кўрсатдики, туман фермер хўжаликларида таҳлил қилинган йилларда унинг даражаси 15,7 фоиздан 20,1 фоизгача ёки 4,4 пунктга ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири пахта хом ашёсини давлатга сотишдан олинган пул даромадининг ўсиши (33,4 %) га нисбатан харажатлар ўсиши (28,5 %) нинг паст бўлганлигидадир.

Туман фермер хўжаликларида 1 ц пахта хом ашёси таннархи таҳлил қилинган йилларда 51775,05 сўмдан 65803,4 сўмгача ёки 27,1 фоизга ошган. 1 ц пахта хом ашёси таннархи таркибида энг кўп салмоқни меҳнат ҳақи ажратмалари билан (30,9-31,7%), уруғлик (13,8-14,1), ЁММ (11,8-12,0%), ўғит (13,9-14,2%) ҳамда иш ва хизматлар (11,2-10,5%) каби харажатлар ташкил этган.

Фермер хўжаликларда таҳлил қилинган йилларда етиштирилиб, сотилган пахта хом ашёси миқдори 306 тонна (1,1%)га, олинган даромад 5397,7 млн. сўм (33,4 %) га кўпайиб, 1 ц пахта хом ашёси харид баҳоси 19126,2 сўмга ёки 31,9 %га ошган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан туман фермер хўжаликларида пахта экилган майдон 740 гектар (7,2%)га қисқарган бўлсада, ялпи олинган ҳосил 306 тонна (1,1%)га ошган. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик шу даврда 26,4 центнердан 28,7 центнергача ёки 2,3 ц(8,7%)га

кўпайганлигини кўриш мумкин.

Келгусида Иштихон тумани фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Таннарх таркибида энг кўп улушга бўлган харажатлардан тежаб - тергаб фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, каби омиллар ҳисобига пахта хом ашёси таннархини пасайтириш;

2. Сифатли чигит экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳосилни эрта етиштириш, тармоқда ишловчиларни пировард натижадан манфаатдорлигини ошириш кабилар эвазига пахта хом ашёси сифатини яхшилаш кабилар эвазига унинг харид баҳоларини ошириш;

3. Эртапишар, серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли навлардан экиш, кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаланиб, тупроқ унумдорлигини ошириш кабилар ҳисобига ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.(ўзгартириш ва қўшимчалари билан)
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни . "Фермер хўжаликлари тўғрисида" (янги таҳрирда), 2004 йил 26 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида, 2003 йил 24 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида. 2003 йил 27 октябр.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02. 1999 й. 54 -сонли қарорига илова " Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476 - сонли қарори. 2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 30 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 - 2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тўғрисидаги 607 - сонли қарори. - Т.: //Халқ сўзи, 2004.12.24.
8. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . - Т.: Ўзбекистон, 2009.
12. Инқирозга қарши чоралар дастури. 2009 - 2010 йилларга

мўлжалланган. - Т.: 2009.

13. Каримов. И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 19.01.2013.

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

15. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.Т.: ТДИУ, 2010.

16. Авазов Э. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. // О`zbekiston qishloq xo`jaligi //, 2011 йил, 4-сон, 37-38-бетлар.

17. Абдуллаев А., Шерматов О., Маҳмудов Н. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш йўналишлари// Agro ilm- О`zbekiston qishloq xo`jaligi, 2012 йил, 1(21)-сон, 74-75-бетлар.

18. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: Истиклол. 2004.

19. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Молия, 2005.

20. Рахмонов Д., Рахмонов Ш., Қозоқова З. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг айрим масалалари. Ёш олимларнинг аграр соҳадаги ютуқлари ва инновацион имкониятлари "Баркамол аавлод йили" га бағишланган илмий - амалий анжуман материаллари. -Самарқанд, СамҚХИ 2010, 62 -65 б.

21. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. - Т. , 2005.

22. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ва сервис хизматини ташкил этишнинг асослари. -Т.: ТошДАУ, 2004.
23. Тешаев Ш. Ҳамал кирди – амал кирди. (O`zbekiston qishloq xo`jaligi, 2011 йил 3-сон, 3-4- бетлар)
24. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ш., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. - Т.: Иқтисод-молия, 2008.
25. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни. Республика илмий - амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд. 2009.
26. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда эришилган ютуқлар ва муаммолар. Профессор - ўқитувчиларнинг "Баркамол авлод йили" га бағишланган илмий - амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд. 2010.
27. Кудратов Т. Усимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг статистик таҳлили. - Самарқанд, 2008.
28. Эгамбердиева У. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг ўрни. (O`zbekiston qishloq xo`jaligi 2012 йил. 3-сон, 38-бет).
29. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Т.: Extremum - press. 2011.
30. Самарқанд вилояти Иштихон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2010-2012 йиллардаги маълумотлари.
31. Интернет сайтлари:
- <http://www.lex.uz>
- <http://www.stat.uz>
- <http://www.usda.gov>
- <http://www.ziyonet.uz>
- <http://www.google.uz>
- <http://www.fao.org>
- <http://www.press-service.uz>
- <http://www.livestock.uz>